



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 21-iyul • Seshanba • 86 (30.047) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Ўтган олти ой давомида қишлоқ жойларда 435 километр газ ва 839 километр сув қувурлари тармоқлари фойдаланишга топширилди, 2,9 миллион квадрат метр яқка тартибдаги уй-жой қурилди.

СОҒЛОМ АВЛОД, СОҒЛОМ МИЛЛАТ БУЮК ИШЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ



Кён ДЖЭ МИН: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР ВА ТАРАҚҚИЙПАРВАР СИЁСАТИ КЕЛАЖАҚДА ЯНА КЎПЛАБ САМАРАЛАР БЕРИШИГА ИШОНАМАН

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида ЎзА мухбири Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулудда ва мухтор элчиси Кён ДЖЭ МИН билан суҳбатлашди.

— Элчи жаноблари, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни қандай баҳолайсиз?

— Улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон Жанубий Кореянинг Осиё минтақасидаги, шунингдек, МДХ мамлакатларидаги муҳим ҳамкорларидандир. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч асосига қурилган ҳамкорлик алоқалари барча соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон — Жанубий Корея стратегик шериклик алоқаларининг янада мустаҳкамланишида мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстона муносабат ва ҳамфикрлик муҳим омил бўлаёттир. Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг жорий йилнинг май ойида Ўзбекистонга давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги поғонага олиб чиқди. Таширфи давомида эришилган келишувлар, шубҳасиз, икки томонлама имкониятларни янада тўлароқ ва кенгроқ ишга солишга хизмат қилади.

Мамлакатларимиз ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида энг кўп қўлайлик яратиб турибди амал қилмоқда. Дунёда ҳукм сураётган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, Ўзбекистон — Жанубий Корея иқтисодий ҳамкорлиги жадал ривожланиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Мазкур кўрсаткич 2008 йилда бир миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган уч юздан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озик-овқат саноати, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаёттир. Жанубий Кореянинг етмишдан зиёд компанияси юртингизда ўз ваколатонасини очган.

— Мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида нима дея оласиз?

— Шубҳасиз, Ўзбекистон бу вақт ичида дунё мамлакатлари орасида муносиб ўринни эгаллади. Истиқлол имкониятларидан оқилона фойдаланаётган мамлакатнингизда барча соҳаларда жадал ривожланиш рўй бермоқда. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қамровли, изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бераёттир.

Мамлакатингиз ташқи дунё билан алоқаларни кенг қўламда ривожлантириш йўлидан олғимши бораёттир. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эъти-

роф этилган.

Халқингизнинг энг катта ютуғи мамлакатдаги тинч ва осуда ҳаёт, барқарор ривожланаётган иқтисодиётдир. Бундай тинчликпарвар ва тараққийпарвар сиёсат келажақда янада кўплаб самаралар беришига ишонаман.

— Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақида фикрингизни билмоқчи эдик.

— Самарқанднинг жаҳоншумул шуҳрати йил сайин ошиб бормоқда. «Шарқ гавҳари» бўлган бу гўзал шаҳарда амалга оширилаётган ишлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг асосий гоёси инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка даъват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдан иборат. Мазкур халқаро фестивал тили, маданияти, миллий қадриятлари ранг-баранг бўлган турли миллат ва элатларни санъат востаси билан муштарақ мақсадлар йўлида бир-бирига яқинлаштириш ва бирлаштиришга хизмат қилади. Корейлик созанда ва хонандалар «Шарқ тароналари»да мунтазам қатнашиб келаётгани халқларимизнинг маънавий яқин ҳамда бир-бирининг қадрият ва маданиятига ҳурмати юксак эканидан яна бир далиллардир.

Жаҳон мусиқа санъати ва турфа халқлар маданиятини намоян этишга кенг имконият очиб бераётган ушбу фестивал ташаббускори бўлган Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовдан миннатдоримиз. Бундай хайрли ишлар мамлакатингизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори ва нуфузи янада юксалишига хизмат қилади.

— Яқинда Тошкентнинг 2200 йиллик юбилеи кенг нишонланади. Пошта-тасвирларда рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида нима дея оласиз?

— Тошкент — гоё гўзал шаҳар. Ўзбекистоннинг азим ва мафтункор пойтахти ўзининг бой тарихи, меъморий обидалари, муқаддас қадимжолари ва маданий ёдгорликлари, маҳобатли иншоотлари ҳамда тараққийнинг барча омилига эгаллиги билан барчани ҳайратлантириб келади.

Тошкентнинг 2200 йиллик тўйини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик қўрилаганининг гувоҳи бўлиб турганимдан жуда хурсандман. Шарқ дарвозаси бўлиши ушбу шаҳарда амалга оширилаётган улкан янгиликлар бунёдкор халқингизнинг чексиз салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг ёрқин намоянчидир.

ЎзА мухбири
Медицина УМАРОВА
суҳбатлашди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, миллат саломатлиги ҳақида қайғуриш, соғлом авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, жамиятнинг энг муҳим вазифаси сифатида кун тартибига қўйилди. Чунки, фақат соғлом миллат, соғлом авлодига келажаги буюк бўлган давлат ва жамиятни кура олади.

Бу эзгу мақсадга эришиш учун Президентимиз ташаббуси билан Соғлом авлод Давлат дастури ишлаб чиқилди, соғлом авлодни тарбиялаш учун пухта замин яратилди. Айниқса, оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш бўйича мамлакатимизда кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Шаҳару қишлоқларда кўплаб замонавий-тиббий масканлар барпо этилди. Хотин-қизлар ва болаларни даволаш шaroитлари ҳамда имкониятлари тўдан яхшиланди. Туғуруқ-хоналар энг замонавий тиббий ускуналар билан таъминланди...

Булларнинг барчаси миллат саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни вояга етказишдек олижаноб мақсадларимиз рўйбга чиқишига хизмат қилмоқда.

Суратларда: Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази жарроҳлик бўлими шифокори Иброҳимжон Умаров ҳамширалар ва ёш она билан чақалоқ саломатлигини тиббий кўриқдан ўтказмоқда; замонавий тиббиёт марказининг кўриниши.



ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҒИЖДУВОН ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Бугун тасаввуф оламининг йирик намояндаси, улуг пиру қомил Абдуллоҳиқ Ғиждувоний таваллуд толган туманда бўлган киши қизгин бунёдкорликнинг шохиди бўлади.

— Ободлик кўнгилдан бошланади, — дейди туман ҳокимининг ўринбосари, партиядошимиз Фарҳод Бўлдиёв. — Байрамга тайёргарликни энг аввало Ғиждувоний ҳазратлари мангу кўним толган зиёратгоҳ мажмуасини янада обод этишдан бошладик.

Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида таъмирланган, қўшимча бинолар қад кўтарган мазкур зиёратгоҳ атрофида гулзорлар барпо этилди. Йўлақлар тартибга келтирилди, электр чиروқлари таъмирланди.

Туманда байрам арафасида топширилаётган мустақиллик иншоотлари ҳам талайгина. Қорахон қишлоқ фуқаролар йиғини худудида 540 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қурилиш ва миллий хўнармандчилик, Фиришкент қишлоғида эса

Саноат ва транспорт касб-хўнар коллежлари, Ғиждувон шаҳрида 795 ўқувчи ўрнили академик лицей биноларида пардозлаш ишлари низоҳасига етай деб қолди. 14-ва 47-мактабларнинг қўшимча ўқув бинолари ҳамда спорт заллари янги ўқув йилига фойдаланишга топширилади. Булар учун давлат бюджетидан 9752121 минг сўм маблағ сарфланмоқда.

— Байрам арафасида коллежлар сони 11 тага, қишлоқ врачлик пунктлари 55 тага етади, — дейди туман ҳокимлиги етакчи мутахассиси Валижон Жумаев. — Истиқлол йилларида туманимизда 6 та коллеж, 9 та янги мактаб, ўнлаб КВГПлар бунёд этилди. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида шаҳардаги асосий йўللارга асфальт ётқизилди. Зарангари — Урганчи,

Ғишти Ғиждувон йўллари асфальтлаштириш низоҳасига етапти. Ўнлаб турар жой бинолари бунёд этилди. Қишлоқлар қиёфаси тўдан ўзгарди.

Дарвоқе, тумандаги Сеталон, Армиган, Қорахони, Дилқушо, Буктарой қишлоқлари шаҳардан қолишмайди. Турнақатор пишик гишти уйлар, коллежу мактаблар, маиший хизмат кўрсатувчи хусусий корхоналар, спорт мажмуаларига қоқиб хавасингиз ортади. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан жойларда намунавий лойиҳа асосида уй-жой, маданий ва маиший, ижтимоий объектлар қурилиши давом этаётгани ҳамма-ни қувонтиримоқда. Буктарой қишлоғида Наврўз посёлкаси қад ростламоқда.

Муктасар айтганда, Ғиждувонда мустақиллик байрамига қизгин тайёргарлик қилинмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Пастдарғом туманининг Зормон қишлоғи аҳолиси яқин кунларда катта қўлайликка эга бўлади. Гап шундаки, туман марказидан қарийб 20 километр олида жойлашган қишлоқда кўприк қурилиши бошлаб юборилди.

ҚИШЛОҚДА ЯНГИ КЎПРИК

Лойиҳа қиймати 650 млн. сўм бўлган кўприкнинг узунлиги 45 метр, эни 12 метрни ташкил этади. «Республика йўл лойиҳа бюроси» МЧЖ лойиҳаси асосидаги кўприкни «Стангелдиротех» МЧЖ қурувчилари бунёд этишмоқда.

— Қорасув канали устида барпо этилаётган кўприк қурилишида тупроқ эрозиясига алоҳида аҳамият берилмоқда, — дейди жамият раҳбари Акрам Аббосов. — Чунки канал киргоғи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Иншоотни йил охиригача тугаллашни режалаштираямиз. — Кўприк ишга тушса, Зормон қишлоғида истиқомат қилувчи 2 мингдан зиёд аҳоли, қишлоққа ёндош Қорасув, Қайирма қишлоқлари аҳолиси учун яна бир қўлайлик яратилади, — дейди таъмирлаш-механика заводи директори, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Собир Абдурайимов. — Кўприк йўқлиги собабли мазкур қишлоқнинг аҳолиси айланма йўллардан айланиб ўтишга мажбур бўлишаётган эди. Бу эса қарийб 10 километрни ташкил этади.

Абдували ХУДОЁРОВ

КОРХОНА МАВСУМГА ШАЙ

Деновдаги «Хайробо д пахта» ҳиссадорлик жамияти пахта ни қабул қиладиган асосий корхоналардан саналади. Айни кунларда жамоада мавсумга пухта ҳозирлик қилинаёттир. Бу ерда тендер баҳоси 1 миллиард 739 миллион сўмлик қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. Уни вилоятдаги «Санги-Сафед» хусусий фирмаси амалга оширмоқда. Қурувчилар бугунгача 510 миллион сўмдан ортқ бунёдкорлик ишларини урдалашди.

Қисқа фурсатларда қайта ишлашга мўлжалланган ускуналар ҳам янгиси билан алмаштирилади.

(Ўз мухбиримиз)

ИЖОДҚОР ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Сариосиё туманидаги ўқувчилар техник ижодиёти маркази қайта қурилмоқда. «Сариосиё» капитал инвест» қурилиш ташкилоти қурувчилари бу ишни амалга оширмоқда.

— Жорий йилнинг иккинчи чорагида иморатнинг қурилиши бошланди, — дейди марказ директори Рафуржон Фаттоев. — Ижодкор ёшлар учун бу аини муддао бўлди. Мазкур даргоҳда келажақда ҳар томонлама салоҳиятли авлод камолга етишига шубҳа йўқ.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

СУВ ИСРОФИ — ГУНОҲ
2

САЙЁРАМИЗНИНГ ЕР ФОНДИ
3

БОКУДАН ХУШҲАБАР
4

ЎзХДП ҳаёти

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР


мазмун-моҳиятини электорат вакилларига тушунтириш бугуннинг муҳим вазифаларидан бири

ЎзХДП Марказий Кенгаши Фарғона вилоят кенгаши негизда «Сайловларда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва иштироки» мавзуга бағишланган давра суҳбатини ташкил этди. Тадбирда Ўзбекистонда сайлов тизимини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онгини ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш жараёнлари тобора чуқурлашиб бораётгани таъкидланди. Ҳокимият вакиллик органларига сайловларни янада демократлаштириш чоралари изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ХДП ташкилотлари ушбу жараёнларнинг мазмун-моҳияти, йўналишлари ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти, сайлов қонунчилигимизга киритилган ўзгаришларни ўз аъзолари ва электорати вакилларига ҳар томонлама тушунтириш, кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш ишларини изчил амалга оширмоқда. «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг асосий мақсади демократик янгиланиш ва мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларида сиёсий партияларнинг роли ва ўрнини янада кенгайтиришни кўзда tutади. Жумладан, Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сони кўпайтирилди. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар фақат сиёсий партиялардан курсатилдиган бўлди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилган, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институту киритилгани сиёсий партияларнинг сайловларда янада фаол иштирок этишига кенг имкониятлар яратди. Бу, албатта, давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролини оширди. Улар зиммасига, шунингдек, сайловларга тайёрлаш қўриш ва уларни ўтказиш бўйича қонун-

чилик талабларини бажаришда катта масъулият юкланади. — Сайлов тизими ва қонунчилигининг янада эркинлашиши, демократлашиши партия ташкилотлари, фаоллари зиммасига масъулиятли вазифаларни қўймоқда, — деди ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Муҳаммадали Исоқов. — Депутатликка номзодларни энг муносиб фуқаролар орасидан танлаш, сайловларда иштирок этишда қонун талабларига қатъий риоя қилиш, сайлов олди тарғибот-ташвиқот ишларига пухта тайёрланиш, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар аҳамиятини электорат орасида тушунтириш ишларини кучайтириш шулар сирасига киради. Давра суҳбати иштирокчилари бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири — ЎзХДП дастурий мақсад-ғояларини тарғиб қилишнинг самарадор усуллари кўллаш деб таъкидладилар. Бунинг учун тарғиботчилар гуруҳларидан аниқ режа асосида изчил иш олиб бориш талаб этилади. Нафақат электорат, балки кенг жамоатчилик, айниқса ёшлар билан турли мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ташкил этиб, унга обрў-этиборли кишилар иштирокини таъминлаш, ҳатто кўнгилочар дастурларга ҳам партиянинг ижтимоий ҳимоя ҳақидаги ғояларини сингдира билиш лозимлиги таъкидланди.

(Ўз мухбиримиз)



Ўзбекистон истиқлолга эришгач, юртимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг муҳим йўналишларидан бири — йўлларни халқаро талаблар доирасида янгитдан қуриш бўлди. Айниқса, тарихан умуминсоний аҳамият касб этувчи Буюк ипак йўлининг Ўзбекистондан ўтадиган қисмини йўл инфратузилмаларига эга бўлган халқаро магистралга айлантириш ишига ҳукумат алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.



БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

Бу йўл лойиҳасининг асосан Андижон — Тошкент қисми амалга оширилди. Энди кенг, икки тарафлама, хавфсизлик тўсиқлари қўйилган, тунда нур қайтаргич белгиларга эга халқаро тоифали йўлдан юришининг ўзи хузурубаш. Йўл Андижон, Фарғона вилоятларидан ўтиб, қадимий Кўқон шаҳри орқали довонга йўналтирилган эди. Лекин юртимиздаги иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг ривожига тўғрисида Кўқон шаҳри айланма йўлидаги транспорт ҳаракати қўлланганидан кўра тезроқ зичлашиб кетди. Бу эса Фарғона водийси вилоятларини Тошкент билан туташтирадиган довонга томон қўшимча йўл очиш заруратини тўғдирди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарори билан ўтган 2008 йилда Андижон — Кўқон магистралидан Уч уй-Чағали оралигида янги йўл қурилиши бошланди. Бунинг учун ажратилган 23 миллиард сўм маблағнинг 19 миллиард сўми ўзлаштирилган эди. 2009 йилда у яна 7 километрга узайтириладиган бўлди. — Бу йўл қурилишини шу йўл тугаллашимиз. Ушунда Кўқон халқа йўлидаги қатнов сийрақлашди, йўл ҳаракати хавфсизлиги таъминланади, — дейди Шарқий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси бўлим бошлиғи Мансур Эҳсонов. — Ҳозирги кунда 23 километрлик қисмда кўприкларни мустаҳкамлаш, асфальт ётқизиш ҳамда 7 километрлик қисмда тупроқ ишларини бажаришмиш. Ушбу корхона 3270 километр халқаро ва давлат аҳамиятига эга

йўлларга хизмат кўрсатади. Шу билан бирга, қурилиш-монтаж ишларини бажариб келмоқда. Уч уй-Чағали оралигида тўртта кўприк қурилди. Уларнинг ҳар бири 6 қатор транспорт воситасини ўтказиш қувватига эга. Илгари бундай мураккаб иншоотларни қуришга пойтахтдан мутахассислар келарди. Бу гал уни фарғоналик кўприқсозларнинг ўзлари тикладилар. — Етти километрлик йўлни дала-лар ичидан янгитдан очаётганимиз учун ҳам айрим қўтилмаган муаммолар келиб чиқмоқда. Шунга қарамай қурилишни белгиланган муддатлардан кечиктираётганимиз йўқ, — дейди йўл қурилиши прораби Рустамжон Сатторов. — Германиядан келтирилган грейдер, зичлагич ва махсус техник транспорт воситаларининг самарадорлиги тўғрисида бирламчи



тупроқ ишлари яқунланди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Уч уй-Чағали йўли фойдаланишга топширилган Андижон — Тошкент масофаси 35 километрга қисқаради. Бугун Буюк ипак йўли янада замонавий қиёфа касб этмоқда. **Муҳаммадқон ОБИДОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири. **Мухаммадқон ҚОДИРОВ** олган суратлар.

ЎзХДП: партия ташкилотлари конференциялари

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

Балиқчи туман партия ташкилотининг конференцияси бўлиб ўтди. Туман партия кенгаши ҳамда ҳалқ депутатлари туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳининг Инқирозга қарши чоралар дастури ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг ижтимоий устуворликларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги саъй-ҳаракатларига оид масалалар анжуманида марказий ўрин эгаллади.

Ўз сафида 1694 нафар аъзони бирлаштирган туман партия ташкилоти ўтган беш йилда талай ишларни амалга оширди. Партия туман кенгашининг раиси Жасурбек Акрамовнинг таъкидлашича, маънавий-маърифий ишларни юксалтириш, партия Дастурида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилди. Энг муҳими, партияимиздан номзодлари курсатилиб, маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар электорат орасига чуқурроқ кириб бориш, ёрдамга муҳтож фуқароларни ижтимоий муҳофазалаш масалаларига жиддий аҳамият берди. Конференцияда сўзга чиққан нурунийлар вакили Валижон Аҳмадзонов тумандаги ЎзХДП бошланғич ташкилотлари ишлари янада жонлантириш зарурлигига эътибор қаратди. — Партияимиз туман кенгаши бошқа жамоат ташкилотлари билан алоқани мустаҳкамлаш керак, — деди у. — Ҳамкорликда ҳиқмат кўп. Шундай қилсак, ташкилотимиз салоҳияти янада ортади. Ижтимоий шериклар билан ишлашни такомиллаштиришни бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. — Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман ташкилоти билан алоқала-

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!



ЭЛГА МАНЗУР СИФАТЛИ МАТОЛАР

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, янгилик яратаман, деган ташаббускор кишилар учун кенг имкониятлар яратилди. Улар ўзларининг гайрат-шижоатлари билан ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этишмоқда. Сифатли маҳсулотлар тайёрлаб, маҳаллий бозорни тўлдирмоқдалар. Сербчилик ва фаровонликка ҳисса қўшаётirlар.



Қорақалпоғистон Республикасининг Эллиқалъа туманида ташкил этилган «Едгорлик — Бўстон» масъулияти чекланган жамиятда қисқа давр мобайнида кўплаб сифатли матолар тайёрланди. Бу ерда 26 нафар хотин-қиз дастлабки ўқув босқичини тугатиб, тажрибали устозлардан шойи, атлас, адрас каби газламалар тўқиш чиқариш сирларини ўрганишди. Ҳозир улар устозлари Муродил Исоқовдек сифатли матолар тайёрлашмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, бу газламалар юқори сифатли бўлгани боис бозорда харидорғир. **Суратларда:** тўқувчи Зулхумор Содиқова, уста Муродил Исоқов ва ишчи Наргиза Матёқубова тайёр маҳсулот сифатини кўздан кечиришмоқда; моҳир тўқувчи Мухаббат Абдуллаева. **Арслон КАННАЗАРОВ** (ЎзА) олган суратлар.

Қарор ва ижро

СУВ ИСРОФИ — ГУНОҲ

Сув — тириклик манбаи. Айниқса, бугунги жазирама ёз кунларида у бебаҳо неъматга айланади. Шу боис ундан оқилона фойдаланиш, ҳуда-беҳудага исроф қилмаслик талаб қилинади. Атрофи ҳадисиз чўл ва даштликлардан иборат бўлган Қорақалпоғистон шароитида, айниқса, бу муҳим ҳисобланади. Амударё туманида «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг ижроси тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиш чикилди. «Юсуфхўжа» фермер хўжалигининг ер майдонлари шўр ювиш жараёнида дамба ўсулида суғорилиб, ўқ-ариқлар қазилмай, сув чекланмаган микродора сарфланган. Фермер хўжалиги дала-ларини сувга бостириш, сувни коллекторга қочириш мақсадида ҳар хил диаметрли қувурлардан фойдаланган. Ортиқча сув ички коллекторга қочирилиб, сув хўжасизларча исроф қилинган. Сувдан бундай хўжасизларча фойдаланиш ҳолатлари «Хитой» ОФЙ худудидаги «Шўр қалъа», «Қуюқ-қўпир» ОФЙ қарашли «Болтабой чигирчи», «Хайтимбетов Юлдош», «Сардор» фермер хўжалиқларида аниқланди, ушбу хўжалик раҳбарларига нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-моддаси 2-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди. Шунингдек, «Сардор» фермер хўжалиқларининг қўриқчилик қисмида иш қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди. Лекин озодалик аввало кишининг ўзи учун, маҳалла-қўй ўртасидаги обрўси учун керак эмасми? «Аммиакли селитрани



сувдан фойдаланиш уюшмаси раиси ҳамда туман Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи номларига тақдирнома — прокурорлик таъсир чораси қўлланилди. Халқимиз озодаликни, саришталликни қадрлайди, атроф тозаллигига алоҳида эътибор қаратади. Шунга қарамай айрим фуқароларнинг ободонлаштириш ишларига масъулиятсиз ёндашиб, ҳуқуқбузарлик ҳаракатларига йўл қўйишга танглиги афсусланарли ҳол. Хусусан, «Мангит-арна» канали сувидан фойдаланувчи фуқаролар Эркин Юлдашов, Туловбой Хўжаниязов, Бектемир Қаландаров, Бахтиғали Гаипов, Бибижон Матсафаева, Юсуп Нурманов ва Мурод Жанабаевларнинг суви муҳофаза қилиш зонасида мол қўраларни қуриб, уй ҳайвонлари чиқиндиларини каналга ташлаб, сув ва атроф-муҳитни ифлослантириб келаятганликларини қандай тушуниш мумкин? Уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди. Лекин озодалик аввало кишининг ўзи учун, маҳалла-қўй ўртасидаги обрўси учун керак эмасми? «Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташини холлати нозорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда бу борада алоҳида талаблар ишлаб чиқилган. Қарор ижроси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ўтказилган тадбирда қатор қонунбузулиш ҳолатлари аниқланди. Дўстлик «Дўрмон» ОФЙ худудида яшовчи фуқаро Зарип Избастиев ўзига тегишли эски гаражда ҳеч қандай ҳужжатсиз 516 килограмм, «Қилимбой» ОФЙ худудида яшовчи фуқаро Ярашбай Сапарбаев уйининг тепасида 1500 килограмм аммиак селитрасини сақлаб қўйганлиги аниқланди. Уларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонуний чора кўрилди. Ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам бурчидир. Бунинг учун аввало ҳаммада қонунга амал қилиш маданиятини шакллантириш, эзгу ишларга дахлдорлик тўғрисида ишчи-ишловчи ташаббуслари билан алоқала-

Тенгелбай БЕКМУРАТОВ, Амударё тумани прокурори

Мувозанат

1. КУРУКЛИКНИНГ КИСМАТИ (Биринчи мақола)

Тупроқнинг тақдири, ўтмиши, тарихи, бугуни ва эртаси бор. Биз ернинг кифтида ашаймиз, у бизни боқади.

мумкин бўлган қуруқлик майдони сайёранинг ер фонди деб аталади. Кўмитанинг маълумотларига кўра, ер шарининг қуруқлик бўйича умумий майдони 149 миллион квадрат километрга тенг экан.

ланилди. Олимлар эса ўша пайтда ҳам кўп ҳосил олиш учун тупроқнинг унумдорлигини таъкидлашарди.

Хотирамда, ўтган асрнинг 75-йиллари эди, биз — мактаб ўқувчиларини пахта ни яганалашга, чопиққа олиб чиқишарди. Дала шийпониди тоғдек уюлиб ётган селитра қопларидан челакал дорини пахта эгательарига таширдик. Ҳақиқатга тўшунмайман, чўлнинг катта-катта майдонларига пахта экилар, ерлар шўрдан оппоқ

Хатто бу ҳақда бир ирригаторни саволга тутганман. У олдиниға узоқ-узоқдаги тузи чиққан тупроққа маънос тортиб қаради, кейин: «Ер кўп бўлса! Қаранг, чеки кўринмайди. Шўрдан ерни тазалашдан янги ер очиш арзон» деган эди мужжал қилиб.

Дарҳақиқат, ўша вақтлар кўпчилик шундай фикрлар эди, ерга бир ёқлама муносабат шу. Ўтган асрнинг сўнгги 50-70 йиллида янги ерларни ўзлаштириш 1,6 бараварга ўсди.

Жарликлар ҳақида нималарни биламиз? Мута-

дор тупроқ йўқолиб борар экан.

Антрополог олимларнинг маълумот беришича, сайёрамизнинг ёши 4,5 миллиард йилга тенг. Унда тириклик пайдо бўлганиға эса 3,5-3,8 миллиард йилдан ошқ вақт бўлган.

Тасаввур қилинган-а, борлиқ яралган миллион йиллар илгари ҳам шу уммон, шу қуруқлик мавжуд эди. Асрлар ўтган сайин сайёранинг ер фонди кенгайиб қолгани йўқ, аксинча кичрайиб бораётти. Ўзингиз мулоҳаза қилинг.

Тарихий манбалар билан танишсангиз, шундай ҳолатга дуч келасиз. Сайёрамиз ўтмишидан то шу кунгача, тахминан 80 миллиард одам яшаган ёки бизгача 20 минг авлод ўтган. Эрамининг бошида 200-250 миллион киши яшаган. Дунёдаги демографияға аҳамият берадиган бўлса, тахминан 1000 йилларда 250-300 миллион, 1900 йилларда 1.608 миллион, 1990 йили 5 миллиарддан ошқ аҳоли истиқомат қилган. Ҳозирги пайтда аҳоли сони 7 миллиардга қараб кетаяпти.

Инсоният ўз эволюцияси давомида 20 миллион квадрат километр фойдаланиб ер майдонини тиклаб бўлмайдиган даражада бузилишиға олиб келган. Маврида келганда, бу майдонлар ҳозирги кунда ер юзидиға ҳайдалган ерлар (15 млн. км²)дан ҳам кўпчилигини эслатиб ўтмоқчимиз.

Буни қарангки, инсонлар томонидан хўжасизлик билан фойдаланиладиган ерлар, ландшафтлар 4,4 миллиард гектарга тенг экан. Маданий ерларнинг 50 фоиз майдонидиға тупроқ хосилдорлик қобилиятини йўқотган, 600-700 миллион гектар ердаги тупроқнинг хосилдор қатлами ювилиб кетган. Маълумки, тупроқда 2-3 сантиметрга тенг бўлган унумдор (гумус) қатламнинг ҳосил бўлиши учун 300 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади.

Ҳозирга келиб, ер юзиди 1,1 миллиард гектар ер ўзининг табиий хоссаларини йўқотган, 1 миллиард гектар майдон чўлга айланган, 300 миллион гектар ўтлоқзор бузилган, 700 миллион гектар ер хосилдорлигини йўқотган. Сайёрамизда 0,4-0,9 миллиард гектар ишлатилмаган, инсон қўли тегмаган ер қолган, холос.

Саидо САЙХУН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАРТИБ-ҚОИДА

янада қатъийлаштирилди

Маълумки, Грузияда бир неча ойдан бўён сиёсий беқарорлик давом этмоқда.

Парламент оммавий намоишлар ўтказишининг тартиб-қоидаларини қатъийлаштириш бўйича сиёсий танглиқдан чиқшининг бирдан-бир йўли, деб билмоқда. Шу боис «Ийгин ва манифестациялар тўғрисида»ги, «Полиция тўғрисида»ги қонунларға ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексға тузатишлар, ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Уни президент имзолагачи, ОАВда эълон қилинади ва кўча киради.


Қабул қилинган ушбу тузатишларға кўра, дейилади «Грузия Online» сайтидаги хабарда, оммавий норозилик акцияси иштирокчилари бир қатор давлат муассасалари биноларидан 20 метр нарида туришлари шарт. «Зарур» миқдордаги акция иштирокчилари йиғилмагунча, йўлларни тўсиб қўйиш мумкин эмас. Аммо қанча миқдорлиги қонунда аниқ кўрсатилмаган. Намойиш даврида транспорт воситалари билан йўлларни тўсиб қўйиш ва маъмурий бино деворларига турли қаҳриқлар ёзиш мумкин эмас.

Кимки бу тартибни бузса, уч ойгача қамоқ жазосига ёки 400 дан 500 лари (243-300 доллар)гача миқдорда жазима жазосига тортилади. Бундан ташқари, полиция-



нинг намоишчиларға нисбатан ўлимға олиб бормайдиган қуроллардан фойдаланишиға рўхсат берилди.

Грузия халқ химоячиси (омбудсман) Созар Субарининг баёнот беришича, учта қонун ҳужжатига киритилган ушбу тузатишлар, ўзгартиш ва қўшимчалар Грузия Конституцияси ва инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси талабларига зиддир.



САЙЁРАМИЗНИНГ ЕР ФОНДИ

ёки ундан пала-партиш фойдаланиш оқибатида қурраи заминдаги қуруқликнинг бугунги аҳволи тўғрисида баъзи мулоҳазалар

Т.Эргашев «Агроэкология» китобиди ёзишлариға, йилиға сайёра ер фондининг 600-700 миллион гектари фойдаланиладиган ерлар ҳисобига ўтади, қуруқликнинг ҳайдалган ерлари 20-25 фоизни ташкил қилади. Ер фондининг 40,3 миллион квадрат километри ўрмон ва дарахлардан иборатдир.

Одамзотнинг фаолияти туфайли йилиға ер фонди тахминан 8 миллион гектарға камайиб бораётти.

Кези келганда, бу борда республикамиздаги аҳволға ҳам назар ташлаб ўтсақ. Ўзбекистоннинг умумий майдони 44457,6 минг гектар, қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган ер майдони 28 миллион гектардан ортди.

Бу юртимизнинг ер «олтин фонди»дир. Чунки шу ерларда ялпи қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг 90 фоизи етиштирилади. Кўриниб турибдики, ер фондидан оқилона фойдаланиш, тежаб-терғаш, муҳофазалашға тўғри келади.

Биз биламизки, ўтган юз йилликнинг иккинчи ярмида дунё мамлакатларида чўл, дашт ерлар шиддат билан ўзлаштирилди, хосилдорлики ошириш деяр зарарли кимёвий моддалардан кўп фойда-



тус оларди, хосилдорлик ошиши учун яна дори солинарди. Ҳар йили яна янги ер ўзлаштирилди. Биз — «ёш чўлқувлар» елкамизда кетмон, кимсасиз даштдаги пахта дала-сига, чопиққа йўл олардик. Бир кун икки ховуч қайноқ тузли тупроқни кафтимда тутиб, узоқ тикилдим. Кафтим куйдим, дашт шамолни учирдим, елга совуриб юбордим.

«Кизик, кечагина бўз тупроқ бўлган дала шўрдан оқариб ётди, «чўлни чекинтириб» яна янги ерларнинг шўрини қуритиш шартмикин? Ерни шўрдан даволаси бўлмасмикин?» деган жўн савол мени ўйлантирган.

хассисларнинг таъкидлашича, сайёрамизда эрозияға учраган, яъни сув ювишидан хосил бўлган турли катталиқдаги жарликлар майдони 5-6 миллион гектарға ошган, уларнинг сони 13 миллиондан ортди, узунлиги 4 миллион километри ташкил этади. Жарликларнинг кўпайишидан ҳар йили фойдали экин майдонлари 100-150 минг гектарға камайиб, чўлларда ҳаракат қилувчи қумликлар майдони йил сайин 40-50 минг гектарға кенгайиб бораётти. Ёки ҳар хил эрозиялар оқибатида (шамол, сув, лойқа босиш) ҳар гектар ер юзасидан ўртача 30-50 тонна унум-

ҚУРҒОҚЧИЛИК БОИС ФАВКУЛОДА ХОЛАТ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Татаристонда салкам икки ойдирик, қурғоқчилик ҳукмон. Шу муносабат билан республикада фавкулда ҳолат эълон қилинди.

«Новости» АА маълум қилишича, 15 июль ҳолатига кўра, бу ерда 300 минг гектарға яқин экинзор қуриб, нобуд бўлди. Республиканинг 30 та тумани жиддий зарар кўрди.


Ўтган йили Татаристонда 6 миллион тоннадан ортди дон ҳосили йиғиштириб олинган бўлса, бу йил ҳосил 2 миллион тоннаға ҳам етмаслиғи мумкин.

Фавкулда ҳолат тартиби ёнгин хавфсизлигининг олдини олиш, қурғоқчиликнинг оғир оқибатларини бартараф этиш масаласи бўйича шуғуланувчи махсус комиссия тузиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш, нобуд бўлган экинзорларни тезда ҳайдаб, рапс, судан ўти ва тарик сингари озуқа экинларини экишни назарда тутди.

«News Info» наشري маълумотиға кўра, қурғоқчиликдан нафақат Татаристон, балки Оренбург (1 миллион гектар экинзор нобуд бўлган), Самара (600 минг гектар), Волгоград (200 минг гектар) ва Саратов (500 минг гектар) областлари ҳам жиддий зарар кўрди. Бошқирдистонда 500 гектарлик экинзор қуриб қолди.

Айни дамда Бошқирдистон ҳамда Самара ва Оренбург областларида ҳам фавкулда ҳолат тартиби амал қилмоқда. Саратов ва Волгоград областларида эса яқин кунларда шундай тартиб эълон қилинади.

Россия Қишлоқ хўжалиғи вазирлиғи маълумотларига қараганда, Россия қишлоқ хўжалиғи учун бу йил жуда оғир келди. 3 миллион гектардан ортди экинзор қуриб битди. Бу дон экилган умумий майдоннинг 7 фоизига тенгдир.



ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛГАНЛАР

Жорий йилнинг биринчи ярмида АҚШ армиясида ўз хизмат бурчини ўтаётган ҳарбийлардан 88 нафари ўз жонига қасд қилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўпдир. Яъни ўтган йилнинг биринчи ярмида 67 нафар ҳарбий ўз жонига қасд қилган эди. Йил давомида уларнинг сони 128 нафарға етган.

АҚШ Мудофаа вазирлиғи манбаларига асосланиб «France Presse» АА қайд қилишича, ўтган йили бу кўрсаткич рекорд даражани ташкил этган. Аммо жонига қасд қилувчилар сони ўсиши ҳозирғидай давом этса, бу йил янги рекорд кўрсаткичга етиши турган гап.

2005 йили жонига қасд қилганларнинг умумий кўрсаткичи 100 минг кишиға етган эди.

Хўш, яна бир гигант давлат — Россияда аҳвол қандай?

Расмий маълумотларға қараганда, жорий йил январдан май охиригача Россия қуролли кучларида 158 киши ҳаётдан кўз юмган (жанговар ҳаракатларсиз, тинч ҳарбий ҳаётда). Шундан 83 нафари ўз жонига қасд қилган. 2008 йилда жами 471 ҳарбий ҳаёт билан видолашган бўлса, шундан 231 нафари ўз жонига қасд қилган.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ТУРДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ БУХОРО ВИЛОЯТ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ

қуйидаги иншоотға пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:

Table with 3 columns: Иншоот номи, Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚС билан) сўм, Буюртмачининг бошланғич нархи (ҚҚСсиз) сўм. Row 1: «Бухоро шаҳар, Гиждувон кўчасидаги мавжуд бинони суд департаменти учун қайта таъмирлаш» 538791670 448993060

Қурилиш муддати — 7 ой. Қурилиш ишлари буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан (махсус ҳисоб рақами) молиялаштирилади.

Савдо ташкилоти — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Бухоро шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 30-уй. Тел: 223-54-80, факс: 223-70-77.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларға мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридиға айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришиға банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиғи, танловға қўйилган объектға ўзаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларға ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатға эға бўлишлари лозим.

зил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Оферталар савдо ташкилоти — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хона. Тел: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Танлифлар (оферталар) танлов савдолари қабул қилиниб, танлов қатнашчилари ва оферентлар иштирокида очилади. Танлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 5-уй, 18-хонада бўлиб ўтади.

Ташкилотлар ва корхоналар раҳбарлари диққатиға!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ АМУ — СУРХОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 2-1: Термиз тумани худудида «Давлат чегараси ичида Амударёға қуйиладиган коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш» ишларини амалға ошириш. Буюртмачининг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғисиз — 80,112 млн. сўм, муддати — 120 кун.

Лот 2-2: Музработ тумани худудида «Давлат чегараси ичида Амударёға қуйиладиган коллекторларни тизимли таъмирлаш ва тиклаш» ишларини амалға ошириш. Буюртмачининг бошланғич нархи: қўйилган қиймат солиғисиз — 384,662 млн. сўм, муддати — 150 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Аму — Сурхон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси.

Манзили: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй. Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00.

Таъмирлаш ва тиклаш ишларини молиялаштириш — Молия вазирлиғи ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалға оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларға жавоб беришлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоиз

миқдоридиға айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришға банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлиғига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларға, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларға эға, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эға бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектурулиш» кўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил қилиш мумкин:

Термиз шаҳри, Амвр Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисиға тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиши куну ва соати. Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Термиз шаҳри, Амвр Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

Мулоҳаза

Кадимдан Шарқ бозорларининг довури дунёга кетган. Чунки бозордан эҳтиёж учун керакли барча нарсаларни топиш мумкин бўлган. Албатта, бозорлардан китоб дўконлари ҳам жой олган.

Манбаларда ёзилишича, Абу Али ибн Сино ҳам ўзига керакли ноб китобларни айнан бозордан харид қилган. Хатто, шоирлар ўзларининг янги газалларини дастлаб бозорларда ўқишган ёки куйлашган. Хуллас, Шарқ бозорлари нафақат кундалик эҳтиёж моллари харид қилинадиган жой, балки халқнинг маънавиятини бойитадиган маскан ҳам ҳисобланган.

Эсимда, пойтахтимиздаги «Эски Жува» бозори ўрнида тор, қинғирқийшиқ расталардан иборат бозор бўлар эди. Бу бозорда учта кўримсиз китоб дўкони ҳам жойлашганди. Бозорга тушганлар шу китоб дўконларига ҳам кириб ўзларига, фарзандларига керакли китобларни, ўқув ашёларини сотиб олишарди. Ҳозир «Эски Жува» бозорига қараб, унда деҳқон ва сотувчиларга яратилган қўлай шарт-шароитларни кўриб ҳавасингиз келади. Бозорда ҳамма нарса бор, фақат китоб дўкони йўқ.

Тошкентимизнинг «Олой» бозорига ҳам тез-тез бориб турардим. Авваллари бу бо-

зорда ҳам китоб дўкони бўларди. Айнан шу дўкондан ноб китобларни сотиб олардим. Ҳозир «Олой» бозори тубдан ўзгарди, кенгайди, кирган кишининг кўзи яйрайди. Афсуски, бу бозорда ҳам китоб дўкони кўринмайди.

Ҳозирги кунда пойтахтимиздаги энг гавжум бозорлардан бири кейинги йиллар-

кулоққа чалинади. Бироқ бу ўта муҳим масалага жиддий ёндашиб, саволни бошқачароқ тарзда қўйсак: одамлар гавжум жойларда, хусусан, бозорларда шинам китоб дўконларимиз борми? Ҳамма туману шаҳарларимизда китоб дўконлари етарлими? Ахир, китобни, китобхонлиқни тарғиб қиладиган энг ишончли восита бу ки-

йилларида китобхон халқимизга бири-бирдан қизиқарли китобларни тақдим этишяпти. Фақат уларнинг халқимизга етиб бориши учун китоб савдоси тўғри ташкил этилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Бу борада оммалаштирилиши лозим бўлган ибратли тажрибалар ҳам бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот

БОЗОРДАГИ КИТОБ ДЎКОНИ ҚАЕРДА?



Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

да бунёд этилган «Карвон бозори», десак, янглишмаган бўламиз. Бозордаги замонавий тарзда қурилган юзлаб расталардаги сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Шундай гавжум бозорда ҳам биттагина китоб дўкони тополмайсиз.

Баъзан сўхбатларда одамларда китоб ўқишга қизиқиш сусайган, деган гаплар

тоб дўконининг ўзидир. Агар бозорнинг гавжум жойида шинам китоб дўкони бўлса, эҳтимол, бозорга келганлар ёнidan бири-ики марта шошиб ўтиб кетар, учинчи савфара эса киради. Балки китоб дўконига кирганлар бирикки марта ҳеч нарса харид қилмас, учинчи гал эса, албатта сотиб олади. Негаки, ноширларимиз мустақиллик


агентлиги, республика Маънавият тарғибот маркази, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ташаббуси билан айрим вилоятларнинг одам гавжум жойларида китоб дўконлари қуришга киришилди. Айниқса, Фарғона вилоятининг қатор шаҳар ва туманларида, бозорлар ҳудудида янги китоб дўконлари очилди.

Ҳа, фахр-ифтихор билан таъкиллашимиз керак, биз китобхон халқимиз. Аждодларимиз давра қуришиб газалхонлик, навойихонлик, машрабхонлик қилишган, неча тунлар ухламай бахшилардан достон тинглашган. Қатагон йилларида жонларини хатарга қўйиб бўлса ҳам нодир китобларни сақлаб қолишган. Бозорларда битта китобни эмас, битта ҳикматни молга сотиб олишган. Демак, бозорларимизнинг кўзга кўринарли жойларидан китоб дўконлари жой олса, улуг кадриятларимиз, миллий анъаналаримизга мос иш бўлади.

Асрор МҮМИН

SPORT СПОРТ

Боку (Озарбойжон)да эркин ва юнон-рум кураши бўйича FILAнинг Golden Grand Prix туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда сайёрамизнинг энг кучли курашчилари гиламга чиқдилар.



БОКУДАН ХУШХАБАР

Ўз вазн тоифасида барча рақибларини катта устунлик билан мағлубиятга учратган ҳамюртимиз Сослан Тигиев (74 кг.) финалда россиялик Ирбек Фариниевга қарши гиламга чиқди. Пекин олимпиадаси кумуш медали совриндори Сослан рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва шохсупанинг энг юқори погонасидан жой олди.

Яна бир вақилимиз Қурбон Қурбонов (96 кг.) ҳам финалда россиялик курашчи билан беллашди. Арслонбек Алиев билан ўтган ҳал қилувчи учрашувда омад ҳамюртимизга қулиб боқди.

Осиё чемпионати ва жаҳон чемпионати совриндори Заурбек Соҳиев (84 кг.)дан ҳам мураббийларимиз олтин медаль қуттишганди. Аммо у финалда ҳиндистонлик Жамол Мирзойига ютқазиб, кумуш медал билан кифояланди. Ушбу вазн тоифасида Алиазгар Барзигалех (Ҳиндистон) ва Шариф Шарифов (Озарбайжон)лар эса шохсупанинг учинчи погонасини эгаллашди.

Икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров эндиликда 60 кг. вазн тоифасида ўз омадини синаб кўрмоқда. Боку гиламларида Дилшод бронза медали совриндори бўлди.

Юнон-рум кураши бўйича эса Жаҳонгир Мўминов (74 кг.) кумуш, Элдор Хафизов (55 кг.) бронза медаллари билан тақдирландилар.

Эркин ХОЛБОБО

Таълим ва ислоҳот

Истиқдол йилларида Оқдарё туманидаги мактаблар бутунлай ўзгача чирой очди. Янгича кўриниш ва кўркем қиёфа касб этган ялм масканларини кўрган ёшу қарининг кўзи қувнайди. Ўқув жиҳозлари ва спорт анжонларига ҳавасингиз келади. Энг муҳими, ўқитувчи ва ўқувчилар онги, дунёқараш, билими ва малакасида юксалиш юз берди.



ИЖОДИЙ МУҲИТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

баркамол авлодни, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялашда муҳим омил бўлаёттир, дейди Оқдарё туман халқ таълими бўлими мудири Шоҳида Нигматова

Шуни қайд этиш керакки, ўқув йили якунланиши билан таълим муассасаларида дастлабки натижалар таҳлил этилиб, келгуси вазибалар белгилаб олинади. Ўқув йилини баҳолашда асосий мезон — ўқувчиларнинг ўзлаштириши, таълим муассасаларининг ҳолати, кадрлар салоҳияти, ўқув жараёнининг ташкил этилиши.

Маълумки, таълим муассасаларида ҳар бир ўқув йилини қайсибир соҳа самардорлигини ошириш ёки уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда номлаш аънаънага айланган. 2008-2009 ўқув йили «Таълим муассасаларида ижодий муҳитни ривожлантириш ўқув йили» деб номланиши Оқдарё тумани халқ таълими жамоасининг ижодий ташаббусини янада оширди. Улар ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда таълим самардорлигини кўтариш учун хизмат қиладиган таъсирчан тадбирларни амалиётга таъбиқ этди. Жумладан, «Дарс маззуларини ҳаётий мисоллар билан боғлаб ўтказиш — менинг услубим» шиори остида кимё, биология, физика фанлари бўйича вилоятда ўтказилган танловда оқдарёликлар муносиб қатнашдилар. Танловда ёши, малакаси ва таърибидан қатъи назар ўқитувчилар яқка тартибда ёки ижодий гуруҳ бўлиб иштирок этди. Улар 5-9 синф ҳажмида биология, кимё, физика фани ўқув режасига

киритилган маззулар бўйича мисоллар тўпламини тайёрлашди. Ушбу кўрик-танловда кимё фани бўйича Оқдарё туманидаги 6-мактаб кимё фани ўқитувчиси Насриддин Аслиев биринчи ўринни эгаллаб, компьютер жамланмаси билан тақдирланди.

Мазкур танлов орқали ўқувчиларнинг ушбу фанларга қизиқишини орттириш, давлат таълим стандартлари талабларига мос билим мақсад қилиб белгиланган. 2008-2009 ўқув йилида барча умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари орасидан иқтидорли ва қобилиятли ўқувчиларни аниқлаш, қўллаб-қувватлашга муҳим вазифа сифатида қаралди.

Ўқитувчиларнинг малакасини оширишга кўмаклашиши, уларнинг ижодий фаоллигини ошириш, рағбатлантириш ҳамда кашф этилган истеъдодли ўқитувчилар ютуқларини кенг тарғиб этиш, келажакда уларнинг билимларини Ватанимиз раванки учун йўналтириш мақсадида ўтказиб борилаётган танловлар ўзининг ижодий натижасини бермоқда.

— Қаерда изланиш, интилиш бўлса уша жойда ривожланиш кўзга ташланади, — дейди Оқдарё тумани халқ таълими бўлими мудири Шоҳида Нигматова. — Шу маънода халқ таълими тизимида ижодий муҳитни ривожлантиришнинг аҳамияти беқиёс экан-

лигини таъкидламоқчиман. Ўқитувчилар ўртасида турли кўриклар ташкил қилдик. Бундан кўзланган мақсад уларнинг ўз устиларида мунтазам ишлашини, дарс маззуларини ҳаётий мисоллар билан боғлаб ўтказишини таъминлаш. Ўқитувчиларимиз саҳнага чиқиб билимларини, маҳоратларини синаб қуришяпти. Ҳолилар олқиш олиб, рағбатлантириб борилаёттир.

Ўқитувчиларни оммавий спортга жалб этиш учун турли мусобақа ва беллашувлар уюштиряймиз. Мақтаншиш деманг, ўзим форма кийиб югуришда намуна бўляпман. Спортнинг 12 тури бўйича мусобақалар ташкил қилинган. Ўтказилаётган турли кўрик-танлов ҳамда беллашувлар шу соҳа ходимларининг малакасини оширяпти. Бир сўз билан айтганда, уларни ижодга, тинимсиз изланишга ундамоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бугун Оқдарё туманида ҳам ўзининг самарасини беряпти. Буни ўқувчиларнинг билим савияси янада ошаётгани, турли танловларда юқори натижаларга эришаётганида кўриш мумкин. Айни чоғда мактаб раҳбарлари ва фан ўқитувчиларининг масъулияти янада ошганлигини таъкидлаш керак.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ёз — ўтмоқда соз

«ОФТОБЧА» ОРОМГОҲИДА

Бу йил Наманган вилояти бўйича 14 минг нафар ўғил-қиз ёзги оромгоҳларда хордиқ чиқариши режалаштирилган.

Поп туманининг Чодак қишлоғида жойлашган «Офтобча» болалар оромгоҳи ўғил-қизларнинг сеvimли дам олиш масканларидан бири. Унда мавсум давомида 720 нафар ўқувчи мазмунли дам олади. Шу кунга



қадар 540 нафар бола ушбу масканда кўнгилли хордиқ чиқарди.

Муҳаббатхон Собирова раҳбарлик қилаётган мазкур оромгоҳ жамоаси болалар учун қизиқарли ўйинлар, турли тадбирлар ва спорт машғулотларини мунтазам ўтказ-

моқда. Бу эса таътил янада завқли ва унутилмас бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Суратларда: «Офтобча» болалар оромгоҳи фаолиятдан лавҳалар. Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (Ўза) олган суратлар.

Божхона бекати

ҲУЖЖАТСИЗ ЎҒИТ

Мамлакатимизда фермер ҳўжалиklarини кимёвий ўғитлар билан таъминлаш, улардан тежамкорлик билан фойдаланишни йўлга қўйиш масаласига ҳўкумат даражасида эътибор берилмоқда. Лекин қишлоқ ҳўжалиги экинларининг унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган бундай тайёр хомашёни ўз манфаати йўлида талон-тороқ қилувчилар, мўмай даромад илинжида уни пулланин қўзловчи шахслар ҳам, афсуски, учраб турибди.

Ўқинда фарғоналик божхоначилар ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вақиллари билан ҳамкорликда яна шундай кимсалардан бирининг қинғир қўлимишига нуқта қўйди. Фўқаро Қ.Мадаминовнинг хонадонни кўздан кеңирилганда, ҳеч қандай ҳўжжатларсиз сақланаётган 3 тонна аммиакли селитра аширилганлиги аниқланди.

Тошкент вилояти божхоначилари томонидан беқободлик С.Нуриллаева хонадонини кўздан кеңириш чоғида 80 қоп минерал ўғит ҳеч қандай ҳўжжатларсиз сақланаётгани маъ-

лум бўлди. Уругуллик З.Умарова хонадонини текшириш пайтида 163 қоп аммиакли селитра маҳсулотни яширинча сақланаётгани фўш этилди. Аниқланишича, 7,5 тонна оғирликдаги ушбу минерал ўғит фўқаро М.Жулиевага тегишли экан.

Ширин шаҳридаги Ж.Шодмонқуллов салкам 17 тонна минерал ўғитни қўшни давлатга олиб чиқилишига барҳам берилди. Республикаимиз божхоначилари томонидан жорий йилининг ўтган 6 ойи давомида минерал ўғитларнинг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ 165 та ҳолат қайд этилди. Натижада қиймати 86 миллион сўмлик 300 тоннадан ортиқ минерал ўғитларнинг талон-тороқ этилишига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати.

Ташкилот 1988 йилда ишлаб чиқарилган «ЗИЛ-431410» русумли ишлатилган юк автомашинасини такрорий кимшоши савдосига кўяди. Кимшоши савдоси 2009 йил 4 август соат 15.00 да бўлиб ўтади. Маълумот учун телефон: 239-18-49.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компания жамоаси компания бош директори Омонулла Юнусовга волидаи муҳтарамаси

НАФИСА аянинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгаши Ўзбекистон ХДП Нишон туман Кенгаши раиси Ҳўжақул Маҳсимовга отаси Маҳсум Ражабовнинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti 233-10-13

Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56

Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80

Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70

Buxoroda — 233-06-02

Gulistonda — 25-46-45

Jizzaxda — 227-48-35

Navoiyda — 223-83-73

Namanganda — 226-43-43

Nukusda — 222-77-21

Samarqandda — 35-02-55

Urganchda — 517-30-58

Farg'onada — 224-18-78

Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 21.20 Topshirilgan vaqti — 22.50

1 2 3 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda